

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Минтақавий маркази директори

\_\_\_\_\_ К.Убайдуллаев

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**“КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й   М А Ж М У А**

Тузувчилар:            доц. К.К.Утениязов  
                                  доц. П.Г.Косымбетов

**НУКУС-2015**

## **МУНДАРИЖА**

<b>ИШЧИ ДАСТУР</b> .....	3
<b>МАЪРУЗА МАТНИ</b> .....	10
2-мавзу: Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси ...	27
3-мавзу: Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси.....	32
<b>АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР</b> .....	49
1-Мавзу: Олий таълимда ўқитишнинг методлари.....	49
2-мавзу: Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси ...	50
3-мавзу: Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси.....	51
<b>ТЕСТ САВОЛЛАРИ</b> .....	53

## ИШЧИ ДАСТУР

### I. Модулнинг мақсади ва вазифаси

“Кимё фанини ўқитиш методикаси” модулининг мақсади - Олий таълим муассасалари “Кимё” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

**Модулнинг вазифаси:** педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги ҳужжатлар, кимё фанининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари, кимё соҳасидаги инновациялар ва долзарб муаммолар мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

### II. Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

**Қўйиладиган натижалар:** Тингловчилар “Кимё фанини ўқитиш методикаси” модулини ўзлаштириш орқали қўйидаги билим, кўникма ва малакага эга бўладилар:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни;
- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;

- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- кимёнинг сўнгги ютуқларини;
- кимё фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- кимё соҳасида тадқиқотларни олиб бориш усулларини;
- ўқитувчининг инновацион фаолиятини;
- замонавий таълим методларини;
- педагогик маҳорат асосларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик ҳужжатларни ярата олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни татбиқ этишнинг самарали шаклларида фойдаланиш;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- Ўзбекистон Республикасидаги меъёрий ҳужжатлар тизимидаги ўзгаришларни амалиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- кимё фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- кимё фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларида фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- коммуникатив вазифаларни ҳал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларида фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **III. Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Кимё фанининг ривожланиш стратегияси ва илмий-техник тараққиёти”, “Кимё фанини ўқитиш методикаси”, “Кимё фанининг дидактик таъминоти”, АКТ ва бошқа барча блок фанлари билан узвий боғланган ҳолда уларнинг илмий-назарий, амалий асосларини очиб беришга хизмат қилади.

### **IV. Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Фан олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

## V. Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	Жумладан			
				Назарий	Амалий	Кўчма машғулот	
1	Олий таълимда ўқитишнинг методлари	8	6	2	4		2
2	Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси	8	6	2	4		2
3	Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси	6	4	2	2		
	<b>Жами</b>	<b>20</b>	<b>16</b>	<b>6</b>	<b>10</b>		<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.

Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУСИ ВА МАЗМУНИ**

Амалий машғулотларни “Кичик гуруҳларда ишлаш”, “Давра суҳбати” ва бошқа таълим методларидан фойдаланилган ҳолда ташкил этиш кўзда тутилган. Бунда ўқув жараёнида фойдаланиладиган замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг қўлланилиши, маърузалар бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлаш, амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва оммалаштириш назарда тутилади.

Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси. Олий таълим муассасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.

Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари.

### **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Кимё фанининг ҳозирги замон муаммолари.
2. Кимё соҳасида ҳорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш.
3. Кимё фанини табиий фанлар тизимида тутган ўрни.
4. Олий таълим муассасаларида кимё фанини ўқитиш муаммолари ва уларнинг ечимлари.
5. Кимё фанларини ўқитиш жараёнида замонавий ахборот коммуникация воситалари.
6. Кимё фанларини фанлараро интеграцияси.
7. Кимё йўналишларида мустақил таълимни такомиллаштириш масалалари.
8. Кимё фанининг ривожлантириш босқичлари.
9. Кимё фанини ўқитишда педагогик технологияларни ўрни.
10. Ўзбекистонда кимё саноатини ривожлантириш борасидаги ислохотлар.
11. Олий таълим муассасаларида кимё соҳасида илмий-тадқиқот ишларини такомиллаштириш масалалари.

### **Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. «Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок». МВССО. Т.,2002. 98 с.
3. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимкулов. «Компьютерда лаборатория ишлари». Т. ТДПУ нашриёти. 2002. 143 б.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
5. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
6. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

### **Интернет маълумотлари:**

1. <http://www.press-service.uz>
2. <http://www.gov.uz>
3. <http://www.lugat.uz>
4. <http://www.uz>
5. <http://www.infocom.uz>
6. <http://www.press-uz.info>
7. <http://www.uforum.uz>
8. <http://www.xabar.uz>
9. <http://www.ziyonet.uz>
10. <http://www.edu.uz>
11. <http://www.nuu.uz>

## МАЪРУЗА МАТНИ

### 1-МАВЗУ: ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДЛАРИ

#### Режа:

1. Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари.
2. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари.
3. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари.
4. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.*

#### 1. Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари

Кимё ўқитиш методикаси - педагогиканинг таркибий қисми бўлиб, у дидактика билан чамбарчас боғланган. Ўқитувчининг иши ўқувчини ўқитиш ва тарбиялаш методикаси бўлса, кимё ўқитувчиси ишининг асоси - кимё ўқитиш методикасидир. Ўрта мактабда ўқув жараени учта асосий функцияларни бажариши керак: ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришдир. Ўқитиш функцияси дидактика, тарбиялаш - тарбия назарияси, ривожлантириш эса психология фанлари ердамида ўрганилади. Кимё фани ҳам тушунчаларнинг мураккаб системаси бўлиб юқорида қайд қилинган фанлар билан ўзаро таъсирлашади. Бу ўзаро таъсирлашув янги билимлар системаси - кимё ўқитиш методикаси фани яратилишига асос солади.

Дидактика - педагогика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи фандир, у - таълим назариясидир. Таълим назарияси қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. таълим назарияси
2. таълим принциплари
3. мактаб таълимининг мазмуни, усуллари, фаннинг ташкилий шакллари.

Бошқа фанлар каби кимё ўқитиш методикаси учта асосий масалани қал қилиб беради:

1. таълим-тарбиявий ишларнинг мақсади ва вазифалари;
2. таълим-тарбиявий ишларнинг мақсади ва мазмуни;
3. ўқувчиларни маълумотли қилиш ва тарбиялаш жараёнлари.

Демак, мактабда кимё ўқитиш методикаси кимё фанини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг таълим, тарбия ва уларнинг ривожланиши қақидаги педагогик фандир.

Кимё ўқитиш методикасининг вазифалари:

1. Кимёнинг илмий асослари билан таништириш.
2. Кимё ўқув курсининг тузилиш системасини ўрганиш.
3. Ўқувчилар тарбиясининг мазмуни ва методикаси билан танишиш.
4. Кимё ўқитиш жараенида ўқувчиларни тарбиялаш.
5. Мактабда ўтказиладиган кимёвий тажрибалар методикасини ўрганиш.
6. Синфдан ташқари ишларни олиб бориш.

Кимё ўқитиш методикасининг таъсир этиш объекти - ҳар хил савиядаги, ҳар хил характерга, ҳар хил қизиқишга ва бошқа хусусиятларга эга бўлган ўқувчилардир.

Кимё ўқитувчисининг мақсади ва таълим-тарбиявий вазифалари ўрта мактабнинг мақсади ва умумий вазифалари билан белгиланади.

1. Ўқувчиларга кимё асосларини очиб бериш ва улар томонидан кимё асосларини онгли равишда ўзлаштиришни таъминлаш.

2. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг кимёвий асосларини очиб бериш.
3. Ўқувчиларга кимё саноатининг ютуқларини ва уларни қайси йўлда ривожлантиришини кўрсатиб бериш.
4. Кимёнинг энг янги ютуқларидан бутун амалий ҳаётимизда қандай фойдаланганлигига ўқувчилар эътиборини жалб этиш.
5. Ўқувчиларга ҳаётда зарур бўладиган ўқув ва малакалар бериш.
6. Ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш, мустақилликка, билим олишда фаол қатнашишни ўргатиш керак..

Педагогика фанининг бир бўлими бўлган кимё ўқитиш методикаси текширишнинг умумпедагогик усулларидан: кузатиш, таълим-тарбия муассасаларининг қўжатларини ўрганиш, тўпланган фактларни анализ қилиш, иш гипотезаси, педагогик тажриба, таълим-тарбиявий жараёнининг қонуниятларини топиш каби усуллардан фойдаланилади.

Кимё ўқитиш методикаси педагогика қамда кимё билангина эмас, балки бошқа фанлар билан қам чамбарчас боғланган, масалан: фалсафа, иқтисодиёт, экология, физика, математика, тарих ва қоказо.

Кимё ўқитиш методикасининг асосий вазифаси - бўлажак ўқитувчига мактабда ишлаш учун керакли билим бериш, малака ва кўникмаларни қосил қилиш.

Кимё ўқитиш методикаси маълум кетма-кетлигида ўрганилади. Аввал ўрта мактабда кимё фанининг таълим-тарбиявий функциялари кўриб чиқилади, сўнгра кимё ўқитиш жараёнини ташкил қилиниши билан танишилади. Курснинг бу қисмида кимё ўқитиш усуллари, ўқитиш воситалари, ўқитиш шакллари, ўқитувчининг меқнатини илмий ташкил қилиш каби масалалар кўрилади. Бундан ташқари талабалар кимёвий тажрибалар кўрсатишда кўникмаларга эга бўлиши, мактаб дастуридаги мавзуларининг ўқитиш методикаси ва мактаб кимёвий масалаларни ечиш

методикасини эгаллаб олиши, дарсни режалаштириш, матн тузиш ва дарслар беришини ўрганишлари керак.

Умумтаълим мактабларнинг яна бир асосий вазифалардан бири-ўсаётган авлодни тарбиялашдир. Хар бир жамият еш авлодни тарбиялашга ўзига хос талабларни кўяр эди. Кимё дарсларида ўқувчиларни меҳнатсеварликка, илмий дунёқарашни шакллантиришга, табиатни муҳофаза қилишни ўргатишга кенг имкониятлар бор. Ўқитувчи асосий ишни, албатта, дарсинг ўзида- синфда ўтказди, аммо бу мақсадда синфдан ташқи машгулотлардан ҳам фойдаланади. Айниқса, ўқувчиларни экологик тарбиялашда биология, география, тарих, адабиёт ўқитувчилари билан биргаликда тадбирлар ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўқувчилар дунёқарашини шаклланишида фанлараро боғлар ҳам катта аҳамиятга эга. Бунинг асосий мақсади ўқувчиларда дуненинг замонавий илмий бирликни англаштиришдир.

Кимё ўқитиш методикаси бошқа фанлар каби, ўз тарихига эга. Кимё ўқитиш методикаси аниқланишига кўра, кимёнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан бир вақтда вужудга келди ва ривожланди. А. Лавуазье, Д. Дальтон, С. Канницаро ва бошқа олимлар нафақат илмий, балки педагогик фаолият билан шуғулланиб, методиканинг ривожланишига анча қисса кўшганлар. КўМ-си илмий фан сифатида XVIII асрнинг ўрталарида вужудга келган. КўМ-нинг илмий асосларини яратишда М. В. Ломоносов, Д. И. Менделеев ва А. М. Бутлеров айниқса катта роль ўйнадилар.

М. В. Ломоносов жақонда биринчи бўлиб, Чин физик кимё муқаддимаси деган асар яратди, физик кимёнинг вазифалари, мазмуни, ўқитиш усулларини белгилаб берди; маърузаларнинг мақсус дастурини тузди ва университет талабаларига шу дастур асосида маъруза ўқиди.

Д. И. Менделеев илм соқасида катта мақорат кўрсатган олим, унинг бу мақорат даврий қонун ва кимёвий элементларнинг даврий жадвалини кашф этишдан иборатдир. Менделеев ўзининг "Кимё асослари" дарслигини яратганидан кейин элементлар даврий жадвалнинг группалари бўйича ўргана

бошлади. Аноорганик кимёни ўқитишда қозиргача шу усулдан фойдаланиляпти.

Менделеевнинг асарларида кимё ўқитишнинг мақсади ва вазифалари аниқ кўрсатилган. "Кимё амалий қаёт билан чамбарчас боғлиқ бўлмоғи лозим" деб ёзарди Д. И. Менделеев.

Моддаларнинг кимёвий тузилиши назариясига асос солган олим А. М. Бутлеров ўз асарларида, айниқса "Органик кимёни мукаммал ўрганишга кириш", "Кимёнинг асосий тушунчалари" деган машқур қўлланмаларда ўзининг бир қатор методик кўрсатмаларини жуда равшан таърифлаб берган эди.

Совет даврида кимё ўқитиш методикаси педагогиканинг бир қисмига айланган эди. Бу давр В. Н. Верховский, С. И. Сазонов, С. Г. Крапивин, П. П. Лебедев, Д. И. Кирюшкин, П. А. Глориозов ва кўпгина бошқа олимларнинг номи билан боғланган. Бу вақтда ўзини кейинчалик оқламаган "проектлар методи", "Далтон-план", "бригада усули" кенг ривож топди.

Республикамизнинг элга танилган йирик олимларимиз акад. Х. У. Усмонов, акад. О. С. Содиков, акад. С. Юнусов, акад. Ш. Т. Талипов ҳам ўз мактабларини яратиб, методиканинг ривожланишига анча қисса қўшганлар.

Ҳозирги кунда Республикамизда таълим-тарбия соқасида катта ислоқотлар ўтказиляпти, ўрта мактаб таълими тизимида кескин ўзгаришлар кузатиляпти. Янги ўқув муассасалар - гимназия, коллеж, лицейлар очиляпти. Улар бир-биридан ўз ўқув режалари, айрим фанларни, шунингдек кимё фанини ҳам чуқурроқ ўрганиши, ўқувчиларни йўналтирилган ўқитиши билан фарқ қиладилар.

Бу жараёнда оқирги йилларда мактаб соқасида "Таълим қақида" қонун қабул қилинди.

29 август 1997 йилда Республика Олий Мажлиси IX сессияда Президентимиз И. А. Каримов сўзлаган нутқида: ". . . таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон талаби даражасига кўтариш,

баркамол авлодимиз келажагига дахлдор бир мунча қонун лойиқалари кўриб чиқилиши керак" деб айтган эдилар.

Таълим соқасини тубдан ислоқ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос қилиш, юксак маънавий ва ақлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш - Миллий дастурининг мақсади. Мазкур дастурга кўра таълим-тарбия соқасида ислоқотларни қаётга тадбиқ қилиш босқичма-босқич олиб борилади.

Биринчи босқичда (1997-2001й.й.) - янги педагог кадрлар тайёрлаш, янги ўқув дастурлар тузиш, 3-йиллик таълим-ўрта мақсус ва касб-қунар билим юртлари (касб коллежи ва академик лицейи) тизимига замин тайёрлаш керак.

Иккинчи босқичда (2001-2005й.й.) - Миллий дастурни кенг миқёсда тўлиқ амалга оширишга эришиш даркор.

Учинчи босқичда (2005 - ва кейинги йиллар) кадрлар тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш керак.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг асосий таркибий қисмларидан бири - бу узлуксиз таълимдир. У малакали рақобатдош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини ўз ичига олади.

Ўқувчиларни ўқитишда дифференциал ендашувга катта эътибор берилмоқда. Уларга ўқитишнинг маълум босқичида ўзига еққан ва кейинчалик мутахассис бўлиб етишига ердам берадиган фанларни танлашга имконият берилади.

Фундаменталлаштириш, гуманитарлаштириш, мутахассислаштириш, индивидуаллаштириш ва компютерлаштириш таълим соҳасининг етакчи тенденцияларидир. Бўлажак ўқитувчилар учун гуманитар тайергарликни киритиш жуда муҳимдир, чунки улар нафақат кимёвий билимга, балки мантиқий, тарихий, методологик характерли билимларга эга бўлишлари керак.

Ўқитувчининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришини таъминлайдиган оптимал усулни танлашдан иборатдир. Ўқитиш усули бу ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги мақсад сари йўналган фаолияти деб тушунса бўлади.

## **2. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари**

Кимё ўқитиш усуллари юзасидан ягона фикр йўқ. Педагогика адабиётида а) догматик, б) иллюстратив, в) эвристик усуллар бор. "Ўқитиш методи" тушунчасига қар хил маъно берилади. Баъзилар "метод" сўзининг таржимасига асосланиб - ("йўл" демакдир) - бу тушунча бўйича ўқувчиларни билмасликдан билимдонликка олиб борсин дейдилар. Dogmatik, иллюстратив, эвристик методлар ана шундан келиб чиққан.

Догматик (оғзаки - догматик) усули - ўқитувчи материални оғзаки, кўрсатма воситалардан фойдаланмай, далил - исботсиз ўқувчиларни жалб этишдан иборат.

Иллюстратив усули қам тайёр билимлар усули қисобланади. Унинг догматик усулидан фарқи шундаки ўқитувчи ўқув материални далил-исбот, кўргазмали қурол билан баён этади.

Эвристик усули эса ўқувчиларнинг ўзлари қиладиган иши асосида тузилади. ("Эврика" - "кашфиёт" - "топдим" - Архимед).

Бошқача қилиб айтганда, "тадқиқот" усули деб атаса қам бўлади. Ўқитувчи берадиган восита ва йўллар мажмуи ўқитиш методи (усули) деб аталади.

Ўқитиш методларини танлашда қуйидагиларни қисобга олиш керак:

1. ўқитишнинг қонуният ва принциплари
2. ўқитишнинг мақсади ва вазифаси
3. ўқитиладиган мавзунинг мазмуни
4. ўқувчиларнинг имкониятлари (ёши, тайёрланиш даражаси, синфнинг хусусиятлари)

5. ташқи шароитлар (географик, махаллий, ишлаб чиқариш муассасаларининг мавжудлиги ва қоказо)

6. ўқитувчининг имкониятлари.

Ўқитишнинг усул ва воситаларига бевосита алоқадор бўлган дидактик принциплар орасида Ян Коменский замонасидан бошлаб гапириб келинган кўрсатмалилик принципини айтиш керак. "Намма нарсани ташқи сезги орқали ўқитиш керак" лиги талаб қилинади. Шу билан бирга бошқа шиорлар ҳам жаранглайди:

- "Ҳамма нарса ақл, хотира ва тил ўртасида рационал қолда тақсимланган бўлиши керак";
- "Юракдан, ақл ва қўл билан ишлашга таъсир қил", деб ёзарди И. Песталоцци;
- "Ўқувчини қўли, тили, калласи билан ишлашга мажбур қил" - (А. Дистерверг).

Ҳозирги замон дидактикасида ўқитишнинг универсал усули ва воситаси йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. қуйидаги қоидаларга амалга қилган қолда ўқитишнинг мазкур қолати учун онгли, асосланган, оптимал вариантларини қўшиб олиб бориш зарур:

1. Ўқитишнинг усулларини таълим вазифаларига ва ўқув материали хусусиятларига мос келишни таъминлаш;
2. Ўқитиш усулларини танлашда ўқувчилар коллективининг ва айрим ўқувчиларнинг реал имкониятларини қисобга олиш;
3. Актив бошқариш ва ўз-ўзини бошқаришни билимларни узлаштиришга (идрок қилиш, тушуниш, муаммони қал қилиш, эслаш, билимларни қўллаш)га қаратиш;
4. Ўқитиш усулларини танлашда ўз мақоратининг индивидуал хусусиятларини, унинг кучли ва кучсиз томонларини назарда тутиш.

Бу қоидаларни изчил, мунтазам биргаликда қўллаш янада натижали ва ажратилган вақтда қўйилган ўқув-тарбия вазифаларини хал қилишга имкон берувчи ўқитиш усулларини оптимал қўшиб беришини таъминлайди.

Асосий эътиборни шунга қаратиш лозимки, ўқитиш методларини оптимал қўшиб олиб борилиши нафақат маълум ўқув ахборотларини ўқувчиларга етказиш ва уларни ўзлаштиришнинг таъминлашга эришиши, балки ўқишга қизиқтиришини ривожлантириши учун керак.

Ўқитишнинг оптимал, самарали, натижали дейиш учун ўқитувчи таълим жараёнида ўқувчиларни актив бошқариш, янги билимларни баён қилиш ва уларни бевосита дарснинг ўзида ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши керак.

Ўқитувчи ўқувчилар ўқув материални ўзлаштириш жараёнини ташкил қилишнинг маълум бўлган барча имкониятлардан фойдаланиши керак. Бу актив эслаб қолиш жараёни бўлиши мумкин, бунда янги материални идрок қилиш, уни тушуниш ташкил қилинади. Эслаб қолишнинг эгалланган билимларни мустақкамлашнинг самарали усуллари қўлланилади.

1. Ўзлаштиришни ташкил қилишнинг бу варианты материални программалаштирилган кўринишида қисмларга бўлишда ва уларни босқичма-босқич ўзлаштиришда кам кўрилиши мумкин. Масалан, материални компьютердан фойдаланиб, қисмларга бўлинади.
2. Яна бир варианты (ўзлаштиришни ташкил қилиш) ўқитишнинг муаммоли-изланувчи усулини қўллашга асосланган. Бу қолда ўқитувчилар олдида муаммоли топшириқлар қўйиб, активлигини рағбатлантиради, ўқувчилар билан ечими мантиқий асосланган гипотезали мулоқазалар ташкил қилади.
3. Билимларни ўзлаштириш ўқитувчининг имкониятлари ва мавзу мазмунига боғлиқ. Нар бир дарсда ўқувчиларнинг юксак активлигини таъминлаш керак.

### **3. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари**

Ўқитувчи ўзининг конкрет шароити ва имкониятига эга кўп мос келадиган ўқув жараёнини қуриш вариантини онгли равишда танлаши керак. Бунда таваққалчиликка, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда тасодифий ёндашишига йул қўйилмайди.

Шу билан бирга новатор ўқувчилар тажрибаларидан кенг фойдаланиш мумкин:

- таянч схемаларни моқирона қўллаш;
- умумлаштирувчи плакатлар;
- индивидуал сўраш вақтни камайтириш ва дарс структурасида янги материални ўзлаштиришнинг ролини ошириш;
- янги мавзунинг муқимини ажратиш;
- ўқувчиларнинг билиш фаолиятини активлаштириш;
- ўқитишни турмуш билан боғлаш ва ёкоказо.

Ўқитиш усулларни ягона бир классификацияси бўлмагани учун, улар қуйидагича туркумланади.

#### **I. Ўқув ахборотини бериш ва қабул қилиш бўйича.**

Усуллар:

- а) оғзаки баён қилиш (ќикоя, суќбат, лекция)
- б) кўрсатмали (иллюстрация, демонстрациялар)
- в) амалий тажрибалар (машќлар, унумли ўқув меќнати).

#### **II. Ўқув материални мантиќий тузилишига кўра баён қилиш ва қабул қилиш.**

Усуллар:

- а) индуктив
- б) дедуктив

**III.** Ўқувчилар тафаккурининг билимларини эгаллашдаги мустақил фикрлар даражасига кўра.

Усуллар:

- а) репродуктив
- б) муаммоли-изланиш

**IV.** Ўқув ишини бошқариш даражасига кўра.

Усуллар:

- а) ўқитувчи рақбарлигидаги ўқув иши
- б) ўқувчиларнинг мустақил ишлари (китоб устида ишлаш, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, меҳнат топшириқларини бажариш)

**V.** Ўқишга қизиқишни тақдирлаш.

Усуллар:

- а) билишга доир ўйинлар
- б) ўқув мунозаралари
- в) эмонационал-маънавий қолатлар яратиш

**VI.** Бурч ва маъсулиятни тақдирлаш.

Усуллар:

- а) ўқининг ақамиятига ишонч қосил қилдириш
- б) талаблар қўйиш
- в) талабларни бажаришдаги машқлар
- г) рағбатлантириш ва танбеқ.

Дарс вақтида ўқувчиларга нафақат билим бериш, балки уларни тарбиялаш ҳам лозим. Тарбиявий усуллар ҳам гуруҳларга бўлинган:

**I.** Шахс онгини шакллантирувчи усуллар (суқбат, лекция, мунозара, намуна кўрсатиш).

**II.** Фаолиятни ташкил қилиш ва ижтимоий хулқ тажрибасини шакллантирувчи усуллар (педагогик талаблар, жамоат фикри, одатлантириш, машқ, тарбияловчи машқлар яратиш).

III. Хулқ ва фаолиятни тақдирловчи усуллар (мусобақа, рағбатлантириш, жазолаш).

Оғзаки баён этиш.

Кимёни ўрганишда ўқувчиларнинг ўзлари қиладиган ишлари катта аҳамиятга эга, чунки ўқувчиларда муқим амалий ўқув ва малакалар қосил қилинади. Аммо бутунлай онгли, равшан, системали ва пухта билим олиш учун мустақил ишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Ўқитувчининг жонли сўзи бўлмаса, тайёр билимлар баён этилиб турмаса, нормал ташкил этилган таълим-тарбия жараёнининг бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Кимё дарсларида баён этиш усулларида:

1. қикоя (сўзлаб бериш)
2. лекция
3. суқбат
4. экскурсиядан фойдаланилади.

қайси бирини қўлланилиши ўқув материалининг мазмунига ва ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасига боғлиқ.

Мабодо ўқувчилар айни материал туғрисида кеч нарса билмасалар, ёки жуда оз билсалар ўқитувчи сўзлаб бериш ёки лекция усулидан фойдаланилади: паст синфларда билими озроқ бўлгани учун сўзлаб берилади, юқори синфларда эса сўзлаб бериш усули билан биргаликда лекция усули қўлланилади. Иккала усул қам асосан ўқувчиларга улар учун қам номаълум нарса бериш керак бўлганда ишлатилади.

Агар ўқувчилар айни материал туғрисида анча маълумотга эга бўлсалар, унда сўзлаб бериш қамда лекция усулларида фойдаланиши ўқувчиларнинг қизикишини, мақсадга интилувчанлигини, фаоллигини ва, демак, билимларининг сифатини пасайтиради. Бундай қолларда ўқитувчи суқбат усулидан фойдаланилади. Ниқоят, ўқитувчининг вазифасининг

объектлари билан таништириш бўлса, у қолда энг яхши ўқув воситаси экскурсиядан фойдаланилади.

Шундай қилиб ўқув материални баён этиш усуллари бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар учун умумий булган кўп нарса бор. Аммо бу усулларнинг қар бири ўзига маълум даражада хос хусусиятига эга.

Ўқув материални дарсда баён этишда усулларнинг қаммасидан фойдаланишга имкон беради. Бу нарса ниқоятда муқимдир.

Сўзлаб бериш ва лекция.

Сўзлаб бериш ва лекцияда жуда кўп умумийлик бор. Бу иқкала усулда қам билим берадиган асосий манба ўқувчидир. Ўқитувчи дарсда ўқувчиларга фан асосларини очиб беради, ўқувчилар эса ўқитувчи сўзини тинглайди қолос.

Сўзлаб бериш ва лекция жараёнида ўқитувчининг вазиқаси - ўқувчиларнинг фикрини имқони борича кузатишдан иборат бўлади. Бу усулларнинг қамма "сири" ўқувчиларни:

1. қандай қилиб қизиқтириш;
2. бу қизиқишни қандай қилиб ошириш;
3. баён этиладиган материални бутун ўқитиш системасининг қандай қилиб узвий қисми қилиш муқимлигидан иборат.

Сўзлаб бериш ва лекцияга ўқитувчи яхшилаб тайёргарлик кўради - энг қизиқарли материал танлаб олинади, кўрғазмали қуроллар, жадваллар, схема, рўзнома, ойнома, адабиёт, кинофильм конкрет фактларга асосланган қолда сўзлашга тушади.

Баён этишга қўйилган талаблар:

1. аниқлик - баён этиш муаммосининг ўқувчилар олдига аниқ қилиб қўйиш;
2. очик-ойдин, жонли сўзлаб бериш;
3. қилма-қил усуллардан фойдаланиш тажриба кўрсатиш, расм, схемани тушунтириб бериш;
4. доскага реакция тенгламаларини ёзиш ва қоказо.

Узоқ вақт давомида сўзлаб бериш ўқувчини чарчатиб қўяди, у янги материални идрок этиши жуда қийин бўлади. Шунинг учун узоқ вақт давомида ўқувчиларнинг идрок этиш қобилиятини секин-аста ўстирилади.

Кимё курсининг бошида ўқитувчи материални қисқача сўзлаб бериш билан кифояланади. Кейин эса сўзлаб беришини анча мураккаблаштиради. IX синфда лекцияга тайёргарлик кўрилиб, ўқув материални дарснинг анча кўп қисми лекция усулида олиб борилади.

Сўзлаб бериш дарс давомида тўхталиб бошқа усулдан фойдаланишга имкон беради: мустақил ишлаш, лаборатория ишлари ва қоказо.

Лекция эса дарс давомида ўзилмайди ва 20-25 дақиқа давомида ўқилади. Мактабдаги лекция дарсида ўқувчиларнинг дарс ўзлаштириши текширилади.

#### Сухбат.

Сухбатнинг хусусияти шуки, янги билимлар олиш жараёнида ўқувчиларни кам маълум даражада жалб қилади. Ўқувчиларда тасаввурлар захираси қанча кўп булса, суқбат шунча мазмунли, қизик ўтади.

Сухбат ўтказиш сўзлаб бериш ва лекцияга қараганда қийинроқ ўтади, чунки суқбатда бутун синф фаол иштирок этади. Суқбат вақтида синфни бошқариб бориш - суқбатнинг муваффақиятли чиқиши гаровидир. Шунда 2 принципга риоя қилиш керак:

1. Суқбатни бутун синф билан ўтказиш;
2. Суқбат давомида бутун синфни бошқариш.

Синфни бошқариш - бу:

- 1.** бутун синфга савол бермоқ;
- 2.** саволни ўйлаб кўришга имконият туғдириш;
- 3.** битта ўқувчи жавоб берганда, бошқалар диққат билан эшитмоғи лозим; зарур бўлганда жавобни тузатиш ва қўшимчалар киргизиш учун ўтирган ўқувчиларни чақириш;
- 4.** суқбат олдиндан тайёрланган режага асосланиб олиб борилиши.

Суқбат ўқувчиларнинг активлаштириши, уларнинг фикрлаш қобилиятини уйғотиш керак. Шунинг учун суқбат вақтида кимёвий тажриба, схема, жадвал ҳар хил кўрсатма воситалардан фойдаланиш керак.

Суқбат вақтида вақт жуда тез ўтади ва ўқитувчи ўз вақтини тежаш мақсадида суқбат ўтказиш режасини, берадиган саволларини олдиндан белгилаши керак.

Ўқитиш ва тарбиялаш воситалари ўқувчиларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадида фойдаланадиган материал объектларнинг системасидир. Ўқитиш воситалари учта катта гуруҳга бўлинади-

Ўқитувчилар учун қўлланмалар

Мактаб кимёвий кабинетининг жихозлари

Кимё дарсликлари.

#### **4. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.**

Ўқитувчилар учун қўлланмаларда кимё ўқитиш жараенида тушунчалар ҳосил қилиш моҳияти, тасаввур ва тушунчалар ҳосил қилиш йўллари, тушунчаларни мантиқий таҳлил қилиш ва уларни ҳосил қилиш босқичлари ойдинлаштириб берилади. Кимё ўқитувчилари учун ҳамма вақт керак бўладиган қўлланма-ҳар икки ойда нашр этиладиган Химия в школе , Халқ таълими журналларидир.

Мактаб кимё кабинети- кимё фанини эффектив ўқитишга ердан берадиган ўқув жихозлари, асбоб-реактивлар билан таъминланган махсус хонадир. Ҳамма ўқитиш воситалари каби мактаб кимёвий кабинети ўқувчиларни ўқитиш , тарбиялаш ва ривожлантириш мақсадларига хизмат қилади.

Кимёвий кабинетга бўлган талаблар:

1. Илмий-методик: кимёвий кабинет кимё фанининг мазмуни, дидактика, психология, тарбиялаш назария талабларига жавоб бериши керак.
2. Эргономик, гигиеник ва техник хавсизлигини таъминлаш керак.
3. Техник, технологик ва иқтисодий. Ишлатиладиган асбоб ва жихозлар содда, арзон, узоқ вақт давомига чидайдиган материаллардан бўлиши керак.
4. Махсус. Кимё фанини ўқитишда ўзига хос бўлган воситалардан фойдаланиш учун махсус ўқув қуроллари.

Ўқув жихозларининг системаси:

1. Табиий объектлар: реактивлар, идишлар, асбоблар, минераллар, металллар тўплами ва бошқ.
2. Табиий объектларнинг тасвири: моделлар, макетлар, экран воситалари.
3. Жадвал ва схемалар.
4. Ўқитишнинг техник воситалари: кинофильм, диафильм, диапозитив, кодотранспарант, аудио-, видеоезувлари, ўқитиш программалари, компьютерлар.

Ўқитувчи дарсга тайергарлик кўришда махсус лаборант хона ердан беради. Бу хона ўқитувчи ва лаборантнинг иш жойи бўлиб, у ерга ўқувчиларни кириши тақиқланган. Лаборант хонада тарқатувчи реактивлар, ўқитувчининг кутубхонаси, картотека ва ўқувчиларнинг дафтарлари туради. Бундан ташқари махсус сейфда учувчан ва захарли моддалар сақланади.

Кимё дарсликлари маълум тартибда, кимё фанини ўзлаштириш жараенида материалнинг ўқувчиларга секин-аста қийинлашиб бориши назарда тутилиб тузилади. Дарсликда мавзунинг баен этилиши ўқитишнинг фаол усулларида фойдаланишга, ўқитувчи рахбарлиги остида тарбияловчи таълим жараенини амалга оширишга имкон беради. Дарсликнинг хар қайси боби охирида берилган, махсус танлаб олинган машқ ва масалалар таълим-тарбия жихатидан катта ахамиятга эга.

## **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Методика тушунчаси нима?
2. Олий таълимда ўқитишнинг қандай методлари ва турларини биласиз?
3. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
3. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
4. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

### **Интернет маълумотлари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>

## 2-мавзу: Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси

### Режа:

1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси.
2. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга рахбарлик қилиш методикаси.
3. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга рахбарлик қилиш методикаси. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.*

### 1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси

Мустақил ишлар мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан қайта қуришда, ўқув-тарбия жараёнининг аҳамиятини оширишда талабаларнинг мустақил ишлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мустақил ишлар деганда шундай ўқув фаолияти тушуниладики, унда билимлар эгалланиши билан бирга, кўникмалар шакллантириш ҳам мустақил ташкил этилиши таъминланади. Бу эса амалиётда хусусий-дидактик мақсадларга боғлиқ равишда 4 та мустақил иш типиди амалга ошади. Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг биринчи типиди – бу сиртдан караганда фаолиятнинг алгоритми маълумотлари ва вазифалар шароитидан иборат, яъни дастлабки билимларнинг (билимларнинг биринчи босқичи) шаклланиши омиллари асосида талабаларда шаклланадиган ва улардан талаб қилинадиган малакаларни аниқлашдир. Бу мақсадга етиш учун талабалар томонидан идрок қилинадиган вазифаларни ечиш зарурлиги кўзда тутилади.

*Мустақил ишлар хусусий-дидактик мақсадининг иккинчи тури. Бунда ўзлаштирилган ахборотлар хотирада қайта ишлашга ва типик вазифаларни, яъни билимларнинг иккинчи босқичини бажаришга қаратилган билимлар шаклланади.*

**Педагогикага оид адабиётларда мустақил ишларнинг қуйидаги турлари қайд қилинади:**

- намуналар бўйича мустақил ишлар;
- реконструктив-вариатив;
- эвристик (қисман, ижодий)
- ижодий тадқиқот.

Намуналар бўйича мустақил ишлар типик вазифаларни, турли машқларни намуна асосида ечишдир. Улар материални ўзлаштиришга омил бўлади, лекин талабаларнинг ижодий фаоллигини ўстирмайди. Реконструктив-вариатив мустақил ишлар нафақат билимларнинг амалий тавсифномасини, балки билимлар тўзи лмасини қайта ишлаб чиқишни, масала, муаммони ечишда мавжуд билимларни жалб қилишни кўзда тўтади. Эвристик мустақил ишлар лекция, лаборатория, амалий машғулотлар, семинарларда қўйилган айрим масала, муаммоларни ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Тадқиқий мустақил ишлар тадқиқот муаммосини кўра олиш малакасини, уни мустақил ифодалай олиш, гипотезани белгилаб олиш, муаммонинг ҳал қилиниш режасини ишлаб чиқиш, уни ҳал қилишни мўлжаллайди.

## **2. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси**

Ижодий тадқиқот ишлари. Бундай ишларда вазифа муаммоли вазиятнинг юзага келишини тақозо қиладиган шароит яратишдан иборат бўлади. Талаба ўз фаолиятида тайёр намуналардан озод бўлган ҳолда масаланинг ҳал қилиниш йўллари қидиради, тадқиқ қилади. Бундай ишлар сирасига эксперимент қўйиш, жиҳозлар, макетлар ва дастгоҳларни

лойихалаш билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Шундай қилиб, мустақил ишлар ўқитишнинг энг муҳим методи бўлиб, унда талабалар машғулотларга тайёрланиш ва олинган билим, малака ва кўникмаларни мустаҳкамлаш жараёнида уларнинг индивидуал фаоллиги ошади.

Олий таълимда кенг қўлланиладиган педагогик технологиялар:

- Муаммоли ўқитиш;
- Кейс технологиялари;
- Лойихавий таълим технологиялари;
- Танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;
- Ўйинли технологиялар;
- Ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;
- Программалаштирилган ўқитиш технологияси;
- Компютер-ахборот технологиялари.

Муаммоли ўқитиш - бу такомиллашган ўқитиш технологиясидир. Ҳозирги олий мактабдаги самарали ўқитиш технологияси – бу муаммоли ўқитишдир. Унинг вазифаси фаол билиш жараёнига ундаш ва тафаккурда илмий-тадқиқот услубини шакллантиришдир. Муаммоли ўқитиш ижодий фаол шахс тарбияси мақсадларига мос келади. Муаммоли ўқитиш жараёнида талабанинг мустақиллиги ўқитишнинг репродуктив шакллариغا нисбатан тобора ўсиб боради.

### **3. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси**

Компютер-ахборот технологиялари таълимда ахборот технологияларидан фойдаланишнинг ягона концепцияси тўла шаклланмаган бўлсада, бироқ педагог ва талабамуносабатларини моделлаштирувчи компьютер тизимларитобора кенгривожланмоқда. Бу йўналишда турли вариантдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларининг шакллантирилиши, шахсий компьютерларнинг имкониятлари ортаётганлиги, лаборатория ишлари,

табий экспериментларни моделлаштирувчи дастурларнинг яратилаётгани замонавий педагогик ва ахборот технологияларини педагогик жараёнларга жорий этишга замин яратади.

Ўйинли технологиялардан фойдаланишнинг асосини талабаларнинг фаоллаштирувчи ва жадаллаштирувчи фаолияти ташкил этади.

Ўйин олимлар тадқиқотларига кўра меҳнат ва ўқиш билан биргаликда фаолиятнинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Психологларнинг таъкидлашларича, ўйинли фаолиятнинг психологик механизмлари шахснинг ўзини намоён қилиш, ҳаётда ўз ўрнини барқарор қилиш, ўзини ўзи бошқариш, ўз имкониятларини амалга оширишнинг фундаментал эҳтиёжларига таянади.

Талабанинг ўқув жараёнидаги эгаллаган билимларидан, касбий малакалари ва кўникмаларидан ҳиссий қониқиш ва ундан қувонч ҳиссини ҳосил қилиши лозим.

Бундай вазифаларни ҳал қилишда ўқитиш жараёнида ўйинли технологиялардан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади. Ўйинли технологияларда ўқитишнинг фаол методларидан фойдаланиш мулоқотнинг демократик услуби ютуқларидан фойдаланишга хизмат қилади, талабаларнинг ижодий кучлари ва қобилиятини ўстиради.

### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР:**

1. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги деганда нимани тушунасиз.
2. Таълим самарадорлигини оширишда нималарни жорий этиш зарур.
3. Таълим самарадорлигига таъсир этувчи омилларни айтинг?
4. Таълим ва тарбияни ўзаро муносабати нима?
5. Талабанинг ўқув жараёнидаги муносабатига қандай қарайсиз?

## **Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:**

1. Сайидахмедов Н.С. Педагогика амалиётида янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: Янги аср авлоди, 2001.- 40 б.
2. Сайидахмедов Н.С. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. – Т., ЎзМУ қошидаги ОПИ. – 2001.(88-бет)
3. Азизходжаева Н.А. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Тошкент-2005.
4. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси: Ўқув қўлланма / Масъул муҳаррир: А.Холбеков. – Т.: ДЖҚА “Рахбар” маркази; “YUNAKS-PRINT” МЧЖ, 2006.

### **3-мавзу: Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси**

#### **Режа:**

1. Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси.
2. За­монавий ин­но­вацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари.
3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интер­фаол усуллари.

**Таянч сўз ва иборалар:** *Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси. За­монавий ин­но­вацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интер­фаол усуллари.*

#### **1. Таълим жараёнида илғор инфор­мацион-технологияларни қўллаш методикаси**

Олий таълим педагогикасининг қонуниятларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

- олий таълим муассасасидаги таълим-тарбиянинг характери, мазмуни, шакллари ижтимоий тараққиётнинг ҳар бир босқичида шу жамиятда мавжуд бўлган ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан белгиланади ва давлат хужжатларида ижтимоий буюртма сифатида ифодаланади;

- олий таълимнинг мақсади, мазмуни, шакл-усулларининг бирлиги.

Педагогика фанида аниқланган ва қўлланиб келинаётган таълимнинг умумий тамойилларига олий таълим жараёнида ҳам амал қилинади. Булар:

- ўқув дастурлари, дарсликлардаги билимларни онгли ўзлаштириш тамойили;

- фаоллик тамойили, талабанинг фаолиятига таяниб ўқитиш тамойили;

- олий таълимнинг мазмуни, шакл-усуллари талабанинг ёш хусусиятларига мослиги;

- билимларни ўзлаштириш ва малакаларни эгаллашда изчиллик ва тизимлиликка риоя қилиш;
- таълимнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлиқлиги;
- кўрсатмалилик, ахборот технологиялари ва техник воситалардан фойдаланиш тамойили.

Олий таълим педагогикасининг илмий тадқиқот методлари. Олий таълим педагогикаси йўналишидаги муаммоларни тадқиқ этишда, одатда қуйидаги илмий тадқиқот методлари кўпроқ қўлланилади:

- назарий, фалсафий, бадий, методик адабиётлар ва манбаларни ўрганиб, таҳлил қилиш методи;
- маълум бир мақсад билан кузатиш методи;
- социологик методлар: савол-жавоб, анкета сўровлари, интервью олиш;
- педагогик илмий-тажриба (эксперимент);
- математик-статистик таҳлил;
- рейтинг методи;
- биографияларни ўрганиш методи.

Олий таълим педагогикасининг манбалари сирасига қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, нутқ ва рисоалари;
- Олий мажлис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг меъёрий ҳужжатлари;
- Марказий осийда яшаб ижод этган алломаларнинг педагогик ғоялари, жаҳон педагогларининг асарлари.
- ўзбек халқ педагогикаси асарлари, миллий, маданий, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, урф-одатлар;

Педагогикага доир илмий-методик адабиётлар, дарсликлар, ўқув режалар, дастурлар, олий таълим ДТС;

- бадий педагогик асарлар;
- Олий таълим муассасаларининг иш тажрибалари;

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизими 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун, “кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ислоҳ қилинди”.

“Таълим тўғрисида”ги қонунда “Олий таълим юқори малакали мутахассислар тайёрлашни таъминлайди. Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш университетлар, академиялар, институтлар ва бошқа олий таълим муассасаларида ўрта-махсус, касб-хунар таълими негизида амалга оширилади” дейилган.

Олий таълим соҳасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг асосий принципларини қуйидагича ифодалаш мумкин.

- 1.Олий таълимда таълим-тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги.
- 2.Таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- 3.Олий таълимнинг мақсади ва мазмуни дунёвий характерга эга эканлиги.
- 4.ДТС асосида олий таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги.
- 5.Олий таълим дастурларини танлашда ягона табақалаштирилган ёндашув.
- 6.Билимли бўлиш ва истеъдодни рағбатлантириш.
- 7.Олий таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувининг уйғунлиги.

Олий таълимнинг мақсади объектив характерга эга бўлиб, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуриш, мамлакатимизни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ривожланган давлатга айлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу эҳтиёжлар давлат буюртмаси сифатида “таълим тўғрисида”ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Президентимизнинг асарлари, нутқларида ифодаланади.

Ўзбекистонда олий таълимни ислоҳ қилишдан мақсад – олий таълимнинг тузилиши, мазмуни, шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла халос этиш асосида, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Олий таълимнинг мақсади – Олий таълимнинг асосий ва кўшимча касбий дастурларини рўёбга чиқариш орқали талаба ёшларни юқори малакали, юксак маънавий ахлоқий фазилатларга эга, рақобатбардош мутахассислар қилиб етиштиришдан иборат.

Олий таълимнинг вазифалари:

-талаба шахсини интеллектуал, маданий, маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжларини қондириш;

-талаба ёшлар шахсини – мамлакатимиз фуқаросини Ватан, халқ, жамият ва оила олдидаги масъулиятини хис қилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилувчи, халқ анъаналарини бойитувчи ва мустақамловчи, Ватанимиз келажаги учун виждонан ва ҳалол меҳнат қилувчи этиб шакллантириш;

-мамлакатимизда илм-фанни тараққий эттириш, илмий тадқиқотлар натижалари, тавсияларидан таълим жараёнида фойдаланиш;

-жамиятимиз, халқимизнинг ахлоқий, маданий ва илмий қадриятларини сақлаш ва кўпайтириш;

-аҳоли ўртасида илмий билимларни кенг тарқатиш, халқнинг маданий ва билим даражасини кўтариш.

Олий таълим муассасасида ўқув-тарбиявий ишлар Ўзбекистонда жорий этилган Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида амалга оширилади.

Олий таълимнинг фан ва ишлаб чиқариш билан ўзаро боғланиши амалдаги қонунларга мувофиқ ўқув-илмий, ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари, бирлашмалари тузиш йўли билан ҳамда йирик олим ва мутахассисларни ўқув жараёнига такдиф этиш ва илмий тадқиқот институтлари, корхона ва ташкилотларда олий таълим муассасасининг марказлари, лабораториялари, кафедралари ва бўлимларини ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Олий таълимда ёшларнинг юксак маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш таълимни инсонпарварлик мазмунида бўлиши, миллий ва

умуминсоний кадриятларга, миллий истиқлол ғояси ва мустақиллик мафкурасига асосланганлиги билан рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган Низомга биноан олий таълим тизимида ўқув машғулотларининг маъруза, маслахат, семинар, амалий машғулот, лаборатория иши, назорат иши, малакавий битирув иши, магистрлик диссертацияси тайёрлаш каби шакл-усуллари жорий этилган.

Маъруза – олий ўқув юрти таълим-тарбия жараёнида кенг қўлланиб келинаётган шакл-усуллардан бири. Маърузалар мазмунида муайян фандаги муаммолар, нуқтаи назарлар, манбалар, ғояларнинг мазмуни очиб берилади.

Амалий машғулотлар – олий ўқув юртида маърузалар мазмунидаги муҳим масалаларни чуқур ва пухта ўрганиш, талабаларнинг билим ўзлаштириши, мустақил ишларнинг сифатини аниқлаш ва тўлдириш, мустахкамлаш мақсадида ўтказилади.

Семинар машғулотлари – олий ўқув юртида таълимнинг амалий шакл-усулларидаш бўлиб, дастур материални чуқур ўзлаштиришга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари – олий таълимда эгалланган билимларни мустахкамлаш, амалий кўникма ва малакалар хосил қилишга хизмат қилади.

Малакавий амалиёт – олинган назарий билим ва кўникмаларни корхона, ташкилот ва муассасаларда амалда қўллаш орқали малакаларни ошириш жараёни ҳисобланади.

Таълимнинг қуйидаги қонуниятлари мавжуд: тарбияловчи тарбия қонуни; ҳар қандай таълим фақат ўқитаётган, ўқиётган ва ўрганаётган объектнинг маълум бир мақсадга йўналтирилган ўзаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим фақатгина ўқитувчининг фаолиятига ва ўй фикрларига мувофиқ равишда ўқувчиларнинг фаол фаолиятлари давомида юз беради; ўқув жараёни ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадлари мувофиқ келган ҳолда юз беради; алоҳида бир шахснинг у ёки бу фаолиятини ўрганишга йўллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади; таълимнинг мақсади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий боғлиқлик мавжуд

бўлади; таълимнинг мақсади таълим мазмунини ва методини белгилаб беради.

Таълим тамойиллари ўқитувчининг фаолиятини ва талабанинг билиш фаолияти хусусиятини белгиловчи асосий бошланмалардир. Таълим тамойиллари ўқитувчи ва талаба фаолиятининг муҳим томонларини акс эттиради ҳамда турли формада, турли мазмунда ва ҳар хил йўсинда ташкил этиладиган таълимнинг самарадорлигини белгидайти. Шунинг учун ҳам таълим тамойиллари таълим беришнинг маълум объектив қонуниятларини ўзида акс эттиради.

Билимлар турли йўл воситалари орқали пухта ўзлаштирилгандагина, у мустахкам эса қолади, бу эса ўқув материалларни онгли ўзлаштиришга, назария билан амалиётни боғлашга, кўрсатмалиликка амал қилишга ва билимларни такрорлаш орқали мустахкамлашга боғлиқдир. Таълимнинг бош мақсади эса билимларни тизимли ва пухта ўзлаштиришдир.

1997 йил 29 августда ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бу қонунда таълим мазмуни ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётий ва дунёвий демократик жамият бахт саодати йўлидаги юқори унумли меҳнатига баркамол авлод қилиб тайёрлаш билан белгиланган.

Ушбу қонун фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб ҳунар ўргатишнинг муҳим асосларини белгилаш ва ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган.

Олий таълимнинг асосий мазмунини унинг вазифалари ойдинлаштиради. Асосий вазифаларга ақлий тарбия билан боғлиқ бўлган вазифалар киради. Бу вазифалар ичида илмий ва техникавий билимлар ҳамда улар билан боғлиқ бўлган малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, аждодларимиз қолдирган тарихий ва маданий қадриятларга ҳаётнинг маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, таълим тарбияси, ахлоқ одоби ҳақида ҳикматли фикрлар борки, улар бугунги халқ таълими тараққиёти учун ва миллий

мактаб яратиш борасида ёшларимизда инсонпарварлик, поклик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, мардлик сингари туйғуларни тарбиялайди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълимнинг мазмуни, аввало комил инсон ва малакавий мутахассисни тайёрлаш жараёни мазмуни билан белгиланади. Ушбу мақсадни ўзида акс эттирган маълумот мазмуни ДТС, ўқув дастурлари, ўқув режаси ва дарсликлар мазмунида намоён бўлади.

Олий таълимнинг Давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги қарори билан тасдиқланган бўлиб, бакалаврият йўналиши ва магистратура ихтисослигига қўйилган малака талаблари, таълим мазмунини, бакалавр ва магистр тайёргарлигининг зарурий даражасини, сифатини белгиладиган меъёрий ҳужжатдир. Ушбу меъёрий ҳужжат “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва ЮНЕСКО томонидан 1997 йилда қабул қилинган таълимнинг халқаро стандарт классификацияси принциплари асосида ишлаб чиқилган.

Олий таълимнинг ДТСси қуйидагиларни белгилайди.

-кадрлар тайёрлаш сифатига, таълим мазмунига қўйиладиган умумий талабларни;

-таълим олувчилар тайёргарлигининг зарур ва етарли билим даражасини ва битирувчиларга қўйиладиган умумий малакавий талабларни;

-ўқув юкламасининг ҳажмини;

-олий таълим муассасаси фаолияти ва кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш механизмини.

ДТС таълим мазмунининг ўзаги ҳисобланади. Ушбу ҳужжат олий таълим тизимида ўқув режа, ўқув дастур, дарслик ва қўлланмалар тайёрлашга асос бўлади.

Педагогика назариясида таълим мазмунини шакллантиришнинг асосий тамойиллари В.В. Краевский томонидан ишлаб чиқилган. Улар қуйидагилардир:

1. Таълим мазмунининг жамият, фан, маданият ва шахс мувофиқлиги тамойили. Бу тамойил таълим мазмунига зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларни, шунингдек, жамият, маданият ва шахс имкониятлари ривожланишининг замонавий даражасини акс эттирувчи билимларни киритишни кўзда тўтади.

2. Ўқитишнинг мазмун процессуал жиҳатлари ягоналиги тамойили. Бу тамойил ўқув жараёнининг конкрет хусусиятлари, унинг тамойиллари, уларни амалга ошириш технологиялари ва уни ўзлаштириш даражаси бирлигини акс эттиради.

3. Турли сатҳлардаги таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги тамойили. Буни шакллантириш назарий тасаввур, ўқув фанлари, ўқув материаллари, таълим олувчининг шахси каби қисмларнинг мувофиқлаштирилишини тақозо қилади.

4. Таълим мазмунини инсонпарварлаштириш принципи. Бу тамойил шахснинг умуминсоний маданияти, унинг маънавий эҳтиёжи ва қобилиятларининг фаол ижодий ва амалий ўзлаштирилишига шарт-шароит яратишни тақозо қилади.

5. Таълим мазмунининг асосланганлиги тамойили. Бу гуманитар ва табиий-илмий билимларни интеграциялаш, ўз вийлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишни талаб қилади.

6. Таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тўзи лмасига мувофиқлиги тамойили.

Замонавий педагогика фани таълим мазмунининг қуйидаги компонентларини белгилайди:

- шахснинг когнитив тажрибаси;
- амалий фаолият тажрибаси;
- ижод тажрибаси;
- шахс муносабатлари тажрибаси.

Шахснинг когнитив тажрибаси. Бу компонент табиат, жамият, тафаккур, техника, фаолият усуллари тўғрисидаги билимлар тизимини ўз ичига олади.

Бу асосий компонент ҳисобланади, чунки шахснинг шаклланиш асосини билим ташкил этади. Билимлар борлиқни, табиат, жамият, тафаккурнинг ривожланиши қонунларини билиш натижаси сифатида белгиланади. Билимларнинг асосий функциялари дунёнинг умумий манзарасини яратиш, билим ва амалий фаолиятни таъминлаш, ягона илмий дунёқарашни яратишдан иборатдир.

Таълим мазмунининг амалий компоненти малака ва кўникмаларни шакллантиришни ўз ичига олади. Ташқи ёки амалий ва ички ёки интеллектуал малака ва кўникмалар мавжуд.

Малака ва кўникмалар барча ўқув фанлари учун умумий бўлиши мумкин ва ҳар бир ўқув фани учун ўзига хос ва ҳарактерли бўлади. Малака ва кўникмалар муайян фаолият турининг асосини ташкил этади. Фаолиятнинг эса билиш, меҳнат, бадий, ижтимоий, кадриятларга йўналтирилган ва коммуникатив турларини қайд қилиш мумкин. Ижодий фаолият тажрибаси. У янги муаммоларни ҳал қилиш ва воқелиқни ижодий қайта яратишга тайёр бўлишда намоён бўлади. Шахс муносабатлари тажрибаси. Бу асослаш (мотивация) – баҳолаш, ҳиссийлик, иродалик муносабатлар тизимидан иборатдир. Бу тажриба дунёга, воқелиқка, одамларга баҳо бериш муносабатида намоён бўлади.

Педагогика назарияси таълимнинг бир неча шаклланиш тамойилларини асослаб берди: таълим мазмунининг жамият, фан, маданият, шахс ривожланиши талабларига мувофиқлиги тамойили, таълимнинг ягона мазмун ва процессуал жиҳатлари мазмуни, турли сатҳларда таълим мазмуни тузилмасининг ягоналиги, таълим мазмунини инсонпарварлаштириш, таълим мазмунининг асосланганлиги, таълим мазмуни асосий компонентларининг шахс ички (таянч) маданияти тузилмасига мувофиқлиги.

Таълим мазмунининг асосий компоненти қуйидагилар: шахснинг когнитив тажрибаси, амалий фаолият тажрибаси, ижод тажрибаси, шахс муносабатлари тажрибаси.

Олий мактаб ўқитувчи шахсига қўйиладиган талаблар.

Олий мактаб ўқитувчиси шахсига жиддий талаблар қўйилади. Улар педагоглар ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган. Ўқитувчи шахсига қўйиладиган энг муҳим талаб унинг юқори малакали бўлишидир, балки унингсиз педагогик фаолият юритиб бўлмайди. Олий мактаб ўқитувчиси ҳам шундай талабларга жавоб бериши керакки, бундай талаблар уни юксак даражада бўлғуси мўтахассисни шакллантирадиган шахс даражасига кўтарсин.

Олий мактаб ўқитувчисига қуйидаги муҳим ва доимий талаблар қўйилади:

- жамият ривожалинишининг сиёсий, социал ва иқтисодий йўналишларини тўғри баҳолай олиши;
- муайян тараққиёт даврида жамият учун зарур бўлган бўлғуси мўтахассисни шакллантириш стандартларини эгаллаган бўлиши;
- педагогик фаолиятни севиши;
- ўз соҳаси бўйича махсус билимларга эга бўлиши;
- заковатли бўлиши;
- педагогик туйғу;
- юксак етуклик;
- умумий маданият ва ахлоқнинг юксак даражаси;
- педагогик технологияларни маҳорат билан эгаллаган бўлиши.

Педагог шахсига қўйиладиган қўшимча талаблар: киришиб кета олиш, санъаткорлик, кувноқлик, яхши дид ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилганлар педагог шахсига хос бўлган туғма хислатлар эмас, балки улар педагогнинг ўз устида мунтазам ва бетиним меҳнати, улкан хизматлари натижасида юзага келтирилади.

Ўқитувчининг касбий фаолияти фавқулодда умумий ва хусусий қобилиятларни талаб қилади.

Касбий-педагогик фаолиятнинг муваффақияти хусусий педагогик қобилиятларга боғлиқ бўлади. Педагогик қобилиятларнинг қуйидаги гуруҳлари фарқланади:

- объектга (талабага) нисбатан сезгирлик;

- коммуникативлик – инсонларга юз тутиш, хайрихоҳлик, муомалалик;
- перцептив қобилиятлар – касбий етуклик, эмпатия, педагогик туйғу;
- шахс динамикаси – иродага таъсир эта олиш ва мантиқий ишонтира олиш қобилияти;
- ҳиссий барқарорлик - ўзини бошқара олиш;
- креативлик – ижодий иш қобилияти.

Педагогнинг хусусий қобилиятларига билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш фаолияти ва шахсни тарбиялаш қобилияти ҳам тегишлидир.

Ўқитиш, ўрганиш ва ўргатиш бўйича қобилиятларига қуйидагилар киради:

- талабани тушунишни кўриш ва сезиш, бундай тушунишнинг даражасини ва характерини ўрнатиш қобилияти;
- ўқув материални мустақил танлаб олиш, ўқитишнинг самара берувчи усул ва методларини белгилаш қобилияти;
- материални етарли баён қилиш, унинг барча талабаларга тушунарлилигини таъминлаш қобилияти;
- талабаларнинг индивидуаллигини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш қобилияти;
- ўқитиш жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланиш қобилияти;
- талабаларнинг катта одимлар билан ривожланишини ташкил этиш қобилияти;
- ўзининг педагогик маҳоратини такомиллаштириш қобилияти;
- ўзининг тажрибасини бошқалар билан баҳам кўриш қобилияти;
- мустақил таълим олиш ва мустақил такомиллашиш қобилияти.

Педагогик жараёнга қаратилган педагогик қобилиятларга қуйидагилар киради:

- бошқа инсоннинг ички ҳолатини тўғри баҳолаш, унга ҳамдардлик билдириш, ҳамнафас бўлиш қобилияти (эмпатия қобилияти);
- тақлид қилиш учун намуна бўлиш қобилияти;
- тарбия жараёнида индивидуал хусусиятларни инобатга олиш қобилияти;

- мулоқотнинг лозим топилган услубини, ўз ўрнини топиш, келиша олиш қобилияти;
- ҳурмат қозониш, талабалар ўртасида обрўга эга бўлиш қобилияти.

Педагогик қобилиятлар ичида педагогик мулоқотга бўлган қобилият алоҳида ажралиб туради.

Ўқитувчининг талабалар билан давомий ва самарали алоқаларини ташкил этишни коммуникатив қобилият билан боғлайдилар.

Коммуникатив қобилият – бу педагогик ўзаро алоқалар доирасидаги ўзига хос тарзда намоён бўладиган мулоқот қобилиятидир.

Психологияга оид адабиётларда коммуникатив қобилиятларнинг бир неча гуруҳлари фарқланади:

1. Кишининг бошқа кишини билиши. Бу қобилиятлар гуруҳида кишига шахс сифатида, шахснинг алоҳида қиёфаси, мотиви ва хатти-ҳаракатларига баҳо беришни, кишининг ташқи кўриниши, хулқи ва ички дунёси нисбатига баҳо беришни; савлати, имо-ишора, мимика, пантомимикасини «ўқий» олишни қамраб олинади.
2. Кишининг ўз-ўзини билиши. У ўз билимларини, қобилиятларини ўз характери ва ўз шахсининг бошқа қирраларини ҳамда ташқаридан ва унинг атрофидаги кишилар унга нисбатан қандай баҳо бериши лозим бўлса, шундай баҳо беришни кўзда тўтади.
3. Мулоқот вазиятини тўғри баҳолай олиш. Бу вазиятни кўз атиш, унинг кўпроқ ахборот берадиган белгиларини танлаш ва унга диққатни жалб қилиш; юзага келган вазиятнинг социал ва психологик мундарижасини тўғри идрок этиш ва баҳолаш қобилиятидир.

### **Инновацион фаолиятнингасосий функциялари**

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион педагогикани майдонга олиб чиқди. "**Инновацион педагогика**" термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар Фарбий Европа ва АҚШда 60-йилларда пайдо бўлди. Инновацион фаолият Ф.Н. Гоноболин, С.М. Годнин, В.И.Загвязинский, В.А.Кан-Калик, Н.В.Кузьмина, В.А. Сластенин, А.И.Шчербаков ишларида

тадқиқ этилган. Бу тадқиқотларда инновацион фаолият амалиёти ва илғор педагогик тажрибаларни кенг ёйиш нуқтаи назардан ёритилган.

Х.Барнет, Дж. Бассет, Д. Гамильтон, Н.Гросс, Р. Карлсон, М. Майлз, А.Хейвлок, Д.Чен, Р.Эдем ишларида инновацион жараёнларни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновациянинг "хаёти ва фаолияти" учун зарур бўлган шарт-шароитлар масалалари таҳлил қилинган.

Янгилик киритишнинг социал-психологик аспекти америкалик инноватик Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни катнашчиларининг тоифа(тип)лари таснифини, унинг янгиликка бўлган муносабатини, уни идрок қилишга шайлигини тадқиқ этади.

## **2. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари**

Инновация (инглизча innovation) - янгилик киритиш, янгиликдир.

А.И. Пригожин **инновация** деганда *муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги, нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Бу инноватор фаолиятидир.*

Тадқиқотчилар (А.И. Пригожин, Б.В. Сазонов, В.С. Толстой, А.Г.Кругликов, А.С.Ахиезер, Н.П.Степанов ва бошқалар) инновацион жараёнлар таркибий қисмларини ўрганишнинг икки ёндашувини ажратадилар: *янгиликнинг индивидуал микросатҳи ва алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларни ўзаро таъсири микросатҳи.*

**Биринчи ёндашувда** ҳаётга жорий этилган қандайдир янги ғоя ёритилади.

**Иккинчи ёндашувда** алоҳида-алоҳида киритилган янгиликларнинг ўзаро таъсири, уларнинг бирлиги, рақобати ва оқибат натижада бирининг ўрнини иккинчиси эгаллашдир.

Олимлар инновацион жараён микротузилмасини таҳлил қилишда ҳаётнинг даврийлиги концепциясини фарқлайдилар.

Бу концепция янгилик киритишга нисбатан ўлчанадиган жараён эканлигидан келиб чиқади.

Педагогикага оид адабиётларда инновация жараёни схемаси берилди. У куйидаги босқичларни қамраб олади:

1. Янги ғоя туғилиши ёки янгилик концепциясини пайдо қилиш босқичи, у кашфиёт босқичи деб ҳам юритилади.

2. Ихтиро қилиш, яъни янгилик яратиш босқичи.

3. Яратилган янгиликни амалда қўллаш билиш босқичи.

4. Янгиликни ёйиш, уникенг тадбиқ этиш босқичи.

5. Муайян соҳада янгиликнинг ҳукмронлик қилиш босқичи. Бу босқичда янгилик ўзининг янгилигини йўқотади, унинг самара берадиган муқобили пайдо бўлади.

Янги муқобиллик асосида, алмаштириш орқали янгиликнинг қўлланиш доирасини қисқартириш босқичи.

В.А.Сластенин янгилик киритишни мақсадга мувофиқ йўналтирилган янгилик яратиш, кенг ёйиш ва фойдаланиш жараёни мажмуи, унинг мақсади инсонларнинг эҳтиёжи ва интилишларини янги воситалар билан қондириш деб билади.

Янгилик киритишнинг тизимли концепцияси муаллифлари (А.И.Пригожин, Б.В.Сазонов, В.С. Толстой) инновацион жараёнларнинг икки муҳим шаклини фарқлайдилар.

Биринчи шаклга янгилик киритишни оддий ишлаб чиқиш киритилади. Бу илк бор маҳсулот ўзлаштирган ташкилотларга тааллуқлидир.

Иккинчи шаклга янгиликни кенг қўламда ишлаб чиқиш тааллуқлидир.

Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.

Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутди. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади.

Хусусий янгилик В.А. Слостениннинг аниқлашича, жорий замонавийлаштиришда муайян тизим маҳсулоти унсурларидан бирини янгилашни кўзда тутди.

### **3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари**

Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади.

Маҳаллий янгилик конкрет объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

В.И. Загвязинский янги тушунчасига таъриф бериб, педагогикадаги янги бу фақатгина ғоя эмас, балки ҳали фойдаланилмаган ёндашувлар, методлар, технологиялардир, лекин бу педагогик жараённинг унсурлари мажмуан ёки алоҳида олинган унсурлари бўлиб, ўзгариб турувчи шароитда ва вазиятда таълим ва тарбия вазифаларини самарали ҳал этишнинг илғор бошланмаларини ўзида акс эттиради.

Р.Н.Юсуфбекова педагогик янгиликка ўқитиш ва тарбия беришда аввал маълум бўлмаган ва аввал қайд қилинмаган ҳолат, натижа, ривожланиб боровчи назария ва амалиётга элтувчи педагогик воқеликнинг ўзгариб туриши мумкин бўлган мазмуни сифатида қарайди.

Педагогик инновацияда Р.Н.Юсуфбекова инновацион жараён тузулмасининг уч блокини фарқлайди:

Биринчи блок - педагогикадаги янгини ажратиш блоки. Бунга педагогикадаги янги, педагогик янгиликнинг таснифи, янгини яратиш шарт-шароити, янгиликнинг меъёрлари, янгининг уни ўзлаштириш ва фойдаланишга тайёрлиги, анъана ва новаторлик, педагогикадаги янгини яратиш босқичлари киради.

Иккинчи блок - янгини идрок қилиш, ўзлаштириш ва баҳолаш блоки: педагогик ҳамжамиятлар, янгини баҳолаш ва уни ўзлаштириш жараёнларининг ранг-баранглиги, педагогикадаги консерваторлик ва

новаторлик, инновация муҳити, педагогик жамиятларнинг янгини идрок этиш ва баҳолашга тайёрлиги.

Учинчи блок - янгидан фойдаланиш ва уни жорий этиш блоки, яъни янгини тadbик этиш, фойдаланиш ва кенг жорий этиш қонуниятлари ва турларидир. М.М.Поташникнинг инновация жараёнлари талқинлари киши эътиборини ўзига тортади. У инновация жараёнининг қуйидаги тузилмасини беради:

- фаолият тузилмаси - мотив - мақсад - вазифа - мазмун - шакл - методлар - методика компонентлари йиғиндиси;
- субъектив тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;
- сатҳий тузилма-инновацион фаолият субъектларининг халқаро, минтақавий, туман, шаҳар ва бошқа сатҳлари;
- мазмун тузилмаси - ўқув-тарбиявий ишлар, бошқарув (ва б.)да янгиликнинг пайдо бўлиши, ишлаб чиқиши ва ўзлаштирилиши;
- босқичлилиқка асосланган ҳаёт даврийлик тузилмаси – янгиликнинг пайдо бўлиши - илдам ўсиш - етуклик – ўзлаштириш - диффузия (сингиб кетиш, тарқалиш) – бойиш (тўйиниш) – қолоқлик - инқироз – иррадиация(алданиш) – замонавийлаштириш;
- бошқарув тузилмаси - бошқарув ҳаракатларининг 4 та турининг ўзаро алоқаси: режалаштириш - ташкил этиш - раҳбарлик қилиш - назорат қилиш;
- ташкилий тузилма - диагностик, олдиндан кўра билиш, соф ташкилий, амалий, умумлаштирувчи, тadbик этувчи.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикасининг афзалликлари қандай?
2. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари деганда қандай усуллар назарда тутилади?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
3. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
4. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

## Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР**

### **1-Мавзу: Олий таълимда ўқитишнинг методлари**

#### **Амалий машғулот режаси**

1. Методика тушунчаси. Олий таълимда ўқитишнинг методлари.
2. Олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари.
3. Амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари.
4. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Методика тушунчаси, олий таълимда ўқитишнинг методлари, олий таълимда маъруза ўқиш методикаси ва маърузаларнинг турлари, амалий машғулотлар, семинарлар ва лаборатория машғулотларини ўтказиш методикалари, магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига доир билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

#### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Методика тушунчаси нима?
2. Олий таълимда ўқитишнинг қандай методлари ва турларини биласиз?
3. Магистратура босқичида ўқитиладиган махсус фанларнинг методикаси ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.

3. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.

4. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

#### **Интернет маълумотлари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>

2. <http://www.edu.uz>

## **2-мавзу: Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси**

### **Амалий машғулотнинг режаси:**

1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси.
2. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси.
3. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси.

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикасига доир билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

### **МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР**

1. Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш методикаси нима?
2. Курс ишлари ва битирув малакавий ишларини ёзиш ва уларга раҳбарлик қилиш методикаси нимага асосланган.
3. Олий таълим муасасаси ахборот-ресурс базасидан фойдаланиш методикаси қандай самара беради?.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
3. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
4. Холмуродов Р.И., М.Х, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

### **Интернет маълумотлари:**

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>

### **3-мавзу: Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси**

#### **Амалий машғулотнинг режаси:**

1. Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси.
2. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари.
3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари.

Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикаси. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усулларига доир билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

## МАВЗУГА ОИД САВОЛЛАР

1. Таълим жараёнида илғор информацион-технологияларни қўллаш методикасининг афзалликлари қандай?
2. Замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?
3. Олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил этишнинг интерфаол усуллари деганда қандай усуллар назарда тутилади?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005. 213 б.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари – Т.: 2006. 163 б.
3. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мумкин? - Т.: ТДПУ, 2000. 122 б.
4. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.: ЎзРФА «Фан», 2003. 176 б.

## Интернет маълумотлари:

1. <http://www.ziyonet.uz>
2. <http://www.edu.uz>

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Ўқув жараёнининг асосий функциялари нимадан иборат? 1) Таълим берувчи 2) Тарбияловчи 3) Ривожлантирувчи**
- а. 1
  - б. 2
  - с. 3
  - д. 1,2 ва 3
- 2. Республикамизда "Таълим тўғрисида" ги қонун қачон қабул қилинди?**
- а. 29 август 1997 йил Олий мажлисининг XI сессиясида
  - б. 2 сентябрь 1994 йил Олий мажлисининг VIII сессиясида
  - с. 10 август 1992 йил Олий мажлисининг VIII сессиясида
  - д. 29 август 1995 йил Олий мажлисининг VII сессиясида
- 3. Кимё Ўқитиш методикаси фан сифатида нечанчи асрда вужудга келди?**
- а. XVIII аср урталарида
  - б. XVIII аср охирида
  - с. XIX аср бошларида
  - д. XIX аср ўрталарида
- 4. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра таълим-тарбия соҳасидаги ислохатларни хаётга тадбиқ қилиш неча босқичда олиб борилади?**

- a. 1
- б. 2
- с. 3
- д. 4

**5. Ўқувчилар тафаккурининг билимларни эгаллашдаги мустақил фикрлар даражасига кўра Ўқитиш методлари қандай турларга ажратилади?**

- a. репродуктив ва муаммоли-изланиш
- б. индуктив ва дедуктив
- с. билишга доир ўйинлар ва Ўқув мунозаралари
- д. талаблар қўйиш ва рағбатлантириш

**6. Кимё Ўқитиш методикаси қайси фанлар билан узвий боғланган?**

- a. Фалсафа ва Иқтисодиёт
- б. Экология ва Биология
- с. Педагогика ва Кимё
- д. Физика ва Математика

**7. Ўқув тажрибаси қандай турларга бўлинади?**

- a. индуктив ва дедуктив
- б. оғзаки , кўргазмали, амалий
- с. репродуктив ва муаммоли-изланиш
- д. билишга доир ўйинлар ва Ўқув мунозара

**8. Олинган билим ва малакаларни тадбиқ этиш дарсларга қуйидагилардан қайсилари киради?**

**1) амалий машғулот; 2) экспериментал масала йечиш; 3) машқлар дарси; 4) ҳисоблашга оид масалалар йечиш; 5) асбоблар лойihalаш дарси**

- а. 1 ва 2
- б. 2 ва 3
- с. 2,3 ва 4
- д. 1,2 ва 4

**9. Республикамизда кимё ўқитиш методикасининг ривожлантиришга хисса қўшган олимларни кўрсатинг. 1) И.Борисов; 2) Х.Усмонов; 3) О.Содиқов 4) С.Юнусов; 5) Ш.Толипов; 6) А.Азимов 7) А.Ахметов**

- а. 1,2,3,4
- б. 2,3,4,5
- с. 1,5,6,7
- д. 2,3,6,7

**10. Шахс онгини шакллантирувчи методларга қуйидагилардан қайсилари киради?**

- а. суҳбат
- б. маъруза
- с. мунозара
- д. намуна кўрсатиш

**11. Ўқувчилар ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида айни дарсга баён этилган муҳим назарий қонун-қоидаларни аниқлашга**

**қаратилган лаборатория ишларини мустақил суратда бажарадиган дарс қандай аталади?**

- а. Маъруза
- б. Амалий машғулот
- с. Лаборатория
- д. Синов

**12. Узлуксиз таълим қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади.**

- а. мактабгача таълим, умумий ўрта таълим
- б. ўрта-махсус, касб-хунар таълими, олий таълим
- с. олий ўқув юртидан кейинги таълим
- д. кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари

таълим

**13. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатувчи метод қандай аталади?**

- а. Маъруза
- б. Семинар
- с. Синов дарси
- д. Билишга оид ўйин тарзида утказиладиган дарс

**14. «Инновация» сўзининг маъноси.**

- а. Махорат
- б. Янгилик киритиш
- с. Бола йетакловчи
- д. Ўргатиш

**15. Виртуал Ўқитиш шакли қандай амалга оширилади.**

- а. Ноанъанавий тарзда
- б. Анъанавий тарзда
- с. Масофали тарзда
- д. Технологик тарзда

**16. Мураббий назоратида хақиқий хаётга максимал даражада яқинлаштирилган вазиятларни яратиш**

- а. Инновация
- б. Имитация
- с. Квалиметрия
- д. Интерфаоллик

**17. Иштирокчиларнинг кўникма ва малакаларини, уларни бирор нарсага нисбатан муносабатини ўзгартиришга ёъналтирилган, гуруҳга мўлжалланган интерфаол Ўқитиш усули**

- а. Ўйинлар
- б. Тренинг
- с. Дебатлар
- д. Методика

**18. Шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришни белгилайдиган ту\ма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар тўплами.**

- а. Истеъдод

- б. Интеллект
- с. Истиқбол
- д. қобилият

**19. қарама-қарши нуқтаи назарларнинг ўзаро баҳси (тўқнашуви), у ўқувчиларнинг танқидий фикрлашга, турли масалаларни ўрганишга ўргатувчи метод**

- а. Инсерт
- б. Дебатлар
- с. Кластер
- д. Фикрлар хужуми

**20. Рейтинг сўзи қандай маънони билдиради.**

- а. Даражалаш
- б. Туркумлаш
- с. Баҳолаш
- д. Табақалаш

**21. Инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият**

- а. Меҳнат фаолияти
- б. Ўқув-билиш фаолияти
- с. Касбга ёъналтириш
- д. Ўйин фаолияти

**22. Харакатлар кетма-кетлигини тўри ташкил этишга мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмет асосида кўп, хилма-хил фикрлардан,**

**маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган метод**

- а. Тармоқлар методи
- б. Мулоқат методи
- с. Меню методи
- д. Блитс-ўйин методи

**23. Муаммоли вазият, Ўқув муаммоси, муаммони йечимини излаш, муаммони йечиш ва уни текшириш каби босқичлар қайси таълим технологиялари босқичлари ҳисобланади?**

- а. Модулли таълим технологиялари
- б. Муаммоли таълим технологиялари
- с. Ривожлантирувчи таълим технологиялари
- д. Фаол Ўқитиш методлари

**24. Педагогик жараён хусусиятларини билиш, уни ташкил этиш ва ҳаракатга келтириш маҳорати нима дейилади?**

- а. Педагогик жараён
- б. Педагогик маҳорат
- с. Педагогик техника
- д. Педагогик фаолият

**25. Муаммоли таълимнинг илк босқичи нима?**

- а. Ўқув муаммоси
- б. Муаммоли вазият
- с. Муаммони йечими

д. Муаммони йечимини текшириш

**26. Амалий Ўқув хосил килиш дарсларига қандай дарслар киради?**

**1) Маъруза 2) Семинар 3) Амалий машғулот 4) Экспериментал масалалар йечиш 5) Масалалар йечиш**

а. 1 ва 2

б. 2 ва 3

с. 2,3 ва 4

д. 4,5 ва 6

**27. Виртуал Ўқитиш шакли қандай амалга оширилади**

а. Ноанъанавий тарзда

б. Анъанавий тарзда

с. Масофали тарзда

д. Технологик тарзда

**28. Фикрларни жамлаш ва ақлни чархлаш мақсадида ишлатиладиган метод**

а. «Дебатлар»

б. «Агарда мен...»

с. «Ақлий хужум»

д. «Эксперимент»

**29. Икки ва ундан ортиқ иштрокчининг бирор таълимий вазиятдаги мулоқати бу...**

а. Дебат

- б. Гурухий мунозара
- с. Мулоқат
- д. Сухбат

**30. Мураббий назоратида хақиқий хаётга максимал даражада  
яқинлаштирилган вазиятларни яратиш**

- а. Инновация
- б. Имитация
- с. Квалиметрия
- д. Интерфаоллик